# Алла айтишни биласизми?

***Дунёдаги энг дилбар ва гўзал қўшиқ алла бўлса керак. Чунки у оналарнинг юрагидан сизиб чиқади. Ёлғони йўқ, сохталикдан йироқ. Оналар юраклари тубидаги орзу-ҳавасла-ри-ю ҳали ҳеч кимга ошкор қилинмаган рангин туйғуларини алла қилиб айтадилар. Янги туғилган чақалоқ илк бор кўз очиб она алласини эшитади ва бир умр ёдида сақлайди. Алла она билан бола ўртасидаги мангулик риштадир.***



Раҳматли Малим эна Олтиариқ туманидаги Каттамачит маҳалласининг ёшу қари ҳурматлайдиган онахони, отинойиси эди. У Навоий, Бедил, Нодира, Бобур ғазалларини ёддан билар, араб тилини эса сув қилиб ичиб юборганди. Уйига меҳмон келса, кўчада қўни-қўшни билан кўришиб қолса ёки ўзи меҳмонга борса ҳам, албатта, икки ёхуд тўрт мисра байт айтиб, ҳамманинг дилини хушнуд айларди. Ҳаттоки мактабга кетаётган қизчалару болакайларни ҳам четда қолдирмасди: кўнгилларнинг сурури илмдандир, кўрар кўзларнинг нури илмдандир. Ўзининг табиатига ўтирган кексаларни эса «Яхшининг юзи жаннатдир, уни кўрмоқ саодатдир», дея эъзозларди. Шунинг учун ҳам маҳалла аёллари унинг суҳбатига ҳамиша ошиқар, оқшомлари Малим энанинг уйи гавжумлашиб кетарди.

Бир куни синфдошим Гулсара қизиқ гап айтиб қолди. Эмишки, Малим эна ҳар куни ўғли Раҳмонберди мактабдан келгандан сўнг овқатлантириб бўлгач, алла айтиб ухлатармиш.

— Жиннимисан, 14-15 ёшли йигитчагаям алла айтадими, одам, — дея эътироз билдираман.

— Ишонмасанг, ишонма, — бўш келмайди, — ўртоғим ҳам, онам ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитибди.

Хуллас, эртаси куни туш пайтида бир тўп қизлар Малим энанинг кўча деворидан ўғринча мўралаб, Гулсарани ёлғончига чиқариб турган пайтимизда мулойим овозда алла янгради:

*Гуллар ичидан ҳидлаб олган*
*Гулу райҳоним, болам, алла-ё, алла.*
*Толлар ичидан танлаб олган,*
*Толчивиғим алла-ё, алла.*
*Ўтларга солса куймас эдим,*
*Ёра куйдирди мани, алла-ё, алла.*
*Сувларга отса чўкмас эдим,*
*Ёра чўктирди мани, алла-ё, алла.*
*Кўзимнинг оқу қароси,*
*Отасидан ёдгорим, алла-ё, алла.*
*Бир кун қаторга кирсанг,*
*Кетар дарду ғуборим, алла-ё, алла.*

Қўшиқ борган сари мавжланиб, бизни ром айлар, бутун вужудимиз қулоққа айланиб қолганди назаримизда. Бугун Раҳмонберди тоға олтмишдан ошган. Худди онасидек маҳалланинг маслаҳатгўйи. Ҳар гал қишлоққа бориб, уни учратганимда хаёлимда ўша ширин аллани қайтадан эшитгандек бўлавераман.

***

60-йилларнинг совуқ декабрь ойида ҳам биз, саккизинчи синф ўқувчилари даладан бери келмасдик. Пахта тугул кўсак ҳам анқонинг уруғи бўлса-да, дилдираб, изғиб юравверардик. Бунга бирорта ота-она қаршилик кўрсатолмасди. Давлат сиёсатига қаршимисан, деган дағдағадан қўрқарди. Ана шундай кунларнинг бирида Абдураҳмон исмли синфдошимиз даланинг қоқ ўртасида ҳушидан кетиб қолди. Уни юк машинасида касалхонага олиб кетишди. Шифокорларнинг айтишларича, ўпкаси шамоллаб, зотилжамга ўтиб кетган экан. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, синфдошлар йиғилиб, уни кўргани бордик. Кровати тепасида онаси бир бурда бўлиб ўтирарди. Абдураҳмон бизни кўриб, суюнганиданми, бироз тетиклашгандек бўлди. Кейин онасига маъюсгина тикилиб, ориқ қўллари билан елкасидан қучди ва нимадир деб шивирлади. Билсак, алла айтиб беринг деган экан. Бояқиш она болам тузалиб кетар, деган илинжда бизни ҳам унутиб, эшитилар-эшитилмас овоз билан куйларди:

*Оллоҳ берган неъматим,*
*Дардга полвоним алла-ё, алла.*
*Юрагимнинг қуввати,*
*Дилда иймоним алла-ё, алла.*

Диққинафас палатани қамраб олган ҳазин овоз синфдошимизнинг дарддан толиққан вужудига ёққандек бўлди чоғи, у кўзларини чирт юмиб олди... Кейинчалик Ҳамро хола бизни ҳар гал учратганида болам дунёга келганида алла айтиб кутиб олгандим, тақдир экан, у дунёга ҳам алла билан кузатдим, дея кўз ёши қилиб юрди.

## Ёш келинлар ўқисин

***

Фольклоршунос олима Музайяна Алавия халқ қўшиқларига, жумладан аллага жуда қизиқарди. Унинг бир китоби маросим қўшиқларидан иборат бўлиб, ичида чиройли алла матнлари ҳам бор эди. Ойбек уй-музейида ўтказилган тадбирлардан бирида Музайяна опа билан суҳбатлашиб қолдик. Гап бориб аллага тақалди.

— Алла билан беллашадиган қўшиқ бу дунёда топилмаса керак, — деганди олима. — Унинг таъсир кучи, қудрати ва жозибаси беқиёс. Яқинда бир журналда ўқиб қолдим. Чақалоққа айтилган алла унинг мия қобиқларига умрбод нақшланиб, умрининг охиригача акс-садо бериб турарkан. Чет эллик бир олим ўтказган мазкур тажрибага кўра инсон миясига ёзилиб қолган алла марказий асаб тизими буйруғи билан маълум пайтларда вужудга юборилар, бу эса кайфиятни яхшилаб, кўпроқ ҳаётнинг ижобий томонларини кўришга ёрдамлашаркан. Афсуски кейинги пайтларда оналар алла айтишни унутиб қўйишди. Аслида, дунёга келган чақалоқнинг қулоғига азон айтиш қанчалик шарт бўлса, алла айтиш ҳам шунчалик даркор. Марҳума шоира Саида Зуннунованинг "Алла" шеърини ўқисам, хушовоз хонанда Ҳабиба Охунованинг хонишини тингласам, алланинг илоҳий бир мўъжиза эканлигига иймон келтираман. Дарвоқе, ўзим ҳам дурустгина аллачиман. Бир айтиб кўрайми... Ўшанда эрта баҳор эди. Ойбекнинг мўъжазгина ҳовлиси-ю биз ўтирган ёғоч сўри ҳам ширин қўшиқдан энтикиб кетгандай туюлганди.

***

"Афсуски кейинги пайтларда оналар алла айтишни унутиб қўйишди". Музайяна Алавиянинг ушбу сўзлари бугун бот-бот мени безовта айлаб, тинчлик бермайди. Ўтган йилнинг декабрь ойида тиббиёт фанлари доктори, акушер-гинеколог шифокор Мунира Асадова билан Тошкент шаҳар перинатал марказида биринчи фарзанд кўрган оналар билан кичиккина сўровнома ўтказдик. Маълум бўлишича, улардан бирортаси ҳам алла айтишни билмас экан. Бир қатор мактабларнинг ашула дарсида қатнашиб, ўқувчи қизлардан алла айтишни билиш-билмасликларини сўраганимизда эса улар шунгаям вақт сарфлаб юрибсизларми, қабилида кинояли илжайишдан нарига ўтишмади.

— Қандай йўл ва усул билан бўлмасин, оналарга алла айтишни ўргатиш керак, — дейди шифокор. — Чунки алла тинглаб ўсган боланинг соғлиги ва иштаҳаси яхши бўлади. Шунингдек, алла боланинг фикрий қобилиятини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Теварак-атрофга кузатувчанлиги ошади. Бир сўз билан айтганда, алла бола учун она сутидек даркор. Шунинг учун ҳам биз «Бехатар оналик» деб номланган туғиш дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Алла авлоддан авлодга ўтиб келаётган қадимий ва навқирон қўшиқ. Уни момоларимиз куйлашган, асрабавайлаб бизларга мерос қилиб қолдиришган. Унутиб юборишга ҳақимиз йўқ. Боғча ва мактабларнинг мусиқа дарси режасига алла дарсларини киритиш, "Йилнинг энг яхши алласи, алла айтувчиси ёхуд ёзувчиси" кўрик-танловларини уюштириш, халқ оғзаки ижодидан катта ўрин олган аллаларни қайта нашр этиш бу йўлдаги хайрли қадамлардан бўлур эди.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Спорт

## Самарқандликлар пешқадам

Олмалиқда волейбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур ўйинлари якунланди.

Унда "УЗИ-Сам-Телеком", АГМК, "Универсал-банк", "Омад" жамоалари ўзаро баҳс юритдилар. Чемпионликка асосий даъвогар саналган Самарқанднинг "УЗИ-Сам-Телеком" жамоаси учинчи тур учрашувларини ҳам муваффақиятли якунлади. Ҳозир улар 35 очко билан турнир жадвалига карвонбошилик қилишмоқда. Иккинчи ўринда Олмалиқнинг АГМК жамоаси бормоқда.



## Зейтуллаев «Реджина»га ўтди

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз ва Италиянинг "Ювентус" клуби ярим ҳимоячиси Илёс Зейтуллаевнинг ўз фаолиятини "Реджина" жамоаси таркибида давом эттирмоқчи эканлиги ҳақида аввал хабар берган эдик. Эслатиб ўтамиз, "Реджина" Италия А сериясидаги номдор жамоалардан саналади.

Махсус интернет сайтда берилган маълумотларга қараганда, "Реджина" жамоаси билан Илёс Зейтуллаев ўртасида шартнома имзоланган. Ҳамюртимиз февраль ойининг ўрталарида асосий таркибда майдонга тушиши кутилаяпти.

## Тажриба етишмади

Мамлакатимиз чемпиони Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Италияда анъанавий Coppa Carnevale халқаро турнирида иштирок этди.

Мусобақада ўринбосарлар таркиби билан қатнашган ҳамюртларимиз гуруҳдаги биринчи учрашувни "Беневенто" жамоаси билан ўтказиб, дуранг (0:0) натижага эришдилар. Афсуски, қолган учрашувларда вакилларимизда тажриба етишмади. "Грасхоппер" ва "Торино" жамоаларига 1:2, 0:1 ҳисобида имконият бой берилди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**


«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну сум. Цены действительны по 28.02.2005 г. |
|---|---|
| **ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:** | |
| ДУ 15х2,8 мм | 944000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 944000 |
| ДУ 25х2,8-3,2 мм | 944000 |
| ДУ 32х3,2 мм | 934000 |
| ДУ 40х3,0-3,5 мм | 934000 |
| ДУ 50х3,0-3,5 мм | 934000 |
| ДУ 100х4,5-5,0 мм | 994000 |
| **ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:** | |
| 76х2,8-4,5 мм | 994000 |
| 89х5,0 мм | 994000 |
| 108х3,0-4,5 мм | 994000 |
| 114х3,0-6,0 мм | 994000 |
| 159х5,0-6,0 мм | 1199000 |

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.



АЛИШЕР НАВОИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

2005 йил февраль ойининг РЕПЕРТУАРИ

75-мавсум

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2 | чоршанба | 18.00 | А.Адан. «Жизель», балет. |
| 3 | пайшанба | 18.00 | М.Ашрафий. «Дилором», опера. |
| 4 | жума | 18.00 | А.Асафьев. «Боғчасарой фаввораси», балет. |
| 5 | шанба | 17.00 | Ж.Бизе. «Кармен», опера. |
| 6 | якшанба | 17.00 | П.Чайковский. «Шелкунчик», балет. |
| 9 | чоршанба | 18.00 | Г.Мушель. «Қадимий Афросиёб афсонаси», балет. |
| 12 | шанба | 17.00 | С.Юдаков. «Майсаранинг иши», опера. |
| 13 | якшанба | 12.00 | А.Гладков. «Бремен мусиқачилари», мюзикл. |
| 16 | чоршанба | 18.00 | Г.Доницетти. «Севги шароби», опера премьераси. |
| 23 | чоршанба | 18.00 | С.Прокофьев. «Ромео ва Жулетта», балет. |
| 24 | пайшанба | 18.00 | Г.Доницетти. «Севги шароби», опера премьераси. |
| 25 | жума | 18.00 | П.Чайковский. «Оққуш кўли», балет. |
| 26 | шанба | 17.00 | «Мумтоз наволар» ўзбек мумтоз мусиқаси концерти. |
| 27 | якшанба | 12.00 | С.Прокофьев. «Золушка», балет. |
| | | 17.00 | Г.Доницетти. «Севги шароби», опера премьераси. |

Театр бош ҳомийси — SAMSUNG Electronics, ҳомий — Le Meridien TASHKENT PALACE HOTEL.
Театр директори — Бахтиёр Ёқубов.
Бадиий раҳбар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Эргашев.

Касса дам олишсиз соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Телефон 133-90-81.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ

кафедралар бўйича қуйидаги бўш (вакант) ўринларга юқори малакали мутахассислар танловини эълон қилади:

ДОЦЕНТ, ФАН НОМЗОДИ, КАТТА ЎҚИТУВЧИ, ЎҚИТУВЧИ:

олий математика, кимё, иқтисодиёт назарияси, иқтисодиёт (тармоқлар бўйича), менежмент, иссиқлик техникаси, машина қисмлари, материалшунослик ва материаллар технологияси, фуқаро ва саноат қурилиши, радиотехника, электроника, автоматика, электротехника.

Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

ариза, шахсий варақа фотосурати билан, илмий даража, илмий унвон ва маълумот ҳақидаги дипломлар нусхалари, илмий ишлар рўйхати.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга тақдим этилади:
700017, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 23-уй.
Телефонлар: 136-00-36, 133-45-07, 134-65-38.



Многим предприятиям необходимо внедрять ИСО 9001, но у большинства возникают вопросы:
«ПОЧЕМУ КОНСАЛТИНГ ПО ИСО 9001 ОЧЕНЬ ДОРОГОЙ?»
«КАК МОЖНО СНИЗИТЬ РАСХОДЫ НА ВНЕДРЕНИЕ ИСО 9001?»

Предприятия хотят, чтобы консультанты проводили много времени на предприятии, это влияет на высокую стоимость консультационных услуг. На наш взгляд, предприятиям необходимо готовить ***своих специалистов*** и максимально использовать собственные ресурсы. Чем выделять деньги на ИСО 9001, лучше направить финансы в своих сотрудников и в свое предприятие, что позволит справиться с задачей внедрения ИСО 9001 самостоятельно или с минимальным привлечением консультантов и преподавателей.

Международно признанный сертификационный орган **RW TUV** и дочерняя компания **TUV Academy** имеют огромнейший мировой опыт по сертификации и обучению по ИСО 9001. **С 9 февраля 2005 г.** RWTUV, TUV Academy и ООО «МС КОНСАЛТ» приглашают специалистов предприятий принять участие в ***новом специальном курсе*** «Разработка системы менеджмента качества по ИСО 9001». Данный курс позволит ***на практических*** занятиях освоить все необходимые знания и навыки по применению ИСО 9001. После прохождения курса все участники ***смогут*** активно участвовать в разработке системы качества по ИСО 9001 на собственных предприятиях, а также более целенаправленно и разумно использовать выделяемые финансы на ИСО 9001 при минимальном, оптимальном и эффективном привлечении консультантов или преподавателей.

Стоимость данного курса специально снижена на **25%** и ***позволит принять участие*** многим предприятиям Узбекистана, ***обучить своих сотрудников, начать разрабатывать*** **системуа качества по ИСО 9001** и ***определиться в дальнейших шагах.***

**Консалтинговая компания "МС КОНСАЛТ", сертифицированная по стандарту ISO 9001**

RWTÜV **Международный сертификационный орган**

**Приглашают 9 февраля 2005 г. на новый специальный курс-тренинг**
**"Разработка системы менеджмента качества по ISO 9001"**
Курс разработан с учетом пожеланий многих участников наших курсов

Скидки: Всем участникам 25 %; С выездом на предприятие заказчика 40 %

Тел./факс: (998 71) 136-55-34, 152-76-71, (998 97) 111-07-49,
e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru
www.ms-consult.uz


*Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрининг «PLAY CLASS» МЧЖ ОКПО коди 18847926, тугатилади.*

*Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Чирчиқ шаҳар, 3-микрорайон, тел.: 170-29-00.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация бирлашмаси жамоаси Инкассация ишини ташкил этиш бўлими бошлиғи ўринбосари Абдувосит Жўраевга падари бузруквори **ТУРСУН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси директорнинг биринчи ўринбосари Даврон Шораҳмедовга волидаи муҳтарамаси **МУБОРАК аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари» кафедраси ассистенти С. Щ. Абдуллаевага падари бузруквори **ШОНАЗАР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Республика радиоси жамоаси «Ёшлар» канали муҳаррири Нилуфар Ачиловага акаси **НОДИРнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти жамоаси 1 тоифали муҳаррир Юлдузхон Парпиевага фарзанди **Анваржон ПАРПИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.**

**Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**
**[т]-Тижорат материали**

**● МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.**
**Навбатчи — Б. Ғофуров.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.40** 2 3 4 5 6